

ШАРТНОМА ШАКЛИ
ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ШАРТНОМАСИ
(ЛОЙИХА-СМЕТА ХУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ БЎЙИЧА)

№ 17

« 16 » 11 2022 йил

Термиз шаҳри.

«Хумо-Дизайн» ХК, бундан буён «Иш бажарувчи» деб аталувчи, раҳбари Р.Эшқобилов, Низом асосида иш юритувчи бир томондан ва Сурхондарё вилоят ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» ИК, бундан буён «Буюртмачи» деб аталувчи, раҳбари А.Арамов, Низом асосида иш юритувчи иккинчи томондан қуйидагилар тўғрисида шартнома тузадилар:

1. Шартнома предмети

1.1 «Иш бажарувчи», «Буюртмачи» томонидан буюртма қилинган Шўрчи туманидаги 47 сонли мактабгача таълим муассасасини электр энергия билан таъминлаш ЛҚИ учун лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлашни ва мултипликация назорати ишларини бажариш иш ҳажмини бажариб беради, «Буюртмачи» эса иш ҳажми бўйича бажарилган (хизматлар) ишларини қабул қилиб, мазкур шартнома шартлари асосида бюджетдан маблағ ажратилгандан сўнг кўрсатилган лимит доирасида тўловларни амалга оширади.

№	Иш (хизмат)лар номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Нархи	Умумий нархи
1	Шўрчи туманидаги 47 сонли мактабгача таълим муассасасини электр энергия билан таъминлаш ЛҚИ учун лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлашни ва мултипликация назорати ишларини бажариш	Дона	1	1690000	1690000
	Жами				1690000

2. Бажариладиган иш ҳажмининг нархи ва умумий қиймати

2.1 Бажариладиган иш ҳажмининг умумий қиймати Ўзбекистон Республикаси миллий валютаси сўмда белгиланади.

2.2 Шартнома умумий нархи 1690000 (Бир миллион олти юз тўқсон минг) сўмни ташкил қилади. (ҚҚС билан)

2.3 Бажариладиган ишнинг қиймати, нарх ошганлиги натижасида ўзгарганда, «Буюртмачи» га олдиндан хабардор қилиб, ўзгарган нархини асослаган ҳолда иш бажарилади.

2.4 «Буюртмачи» ўзгарган нархлар асосида қўшимча тўловларни бюджетда кўрсатилган лимит доирасида шартномага қўшимча келишувлар тузилиши асосида амалга оширади.

3. Тўлов шартлари

3.1. Шартнома умумий қийматининг 30 % миқдорда 10 банк кунида «Иш бажарувчи»нинг ҳисоб рақамига олдиндан тўловни амалга оширади.

3.2. Тўлиқ хизматлар (ишлар) бажарилгандан сўнг бажарилган ишлар далолатномаси (ҳисоб фактура) асосида 20 банк кунида қолган 70 % тўлов «Иш бажарувчи»нинг ҳисоб рақамига ўтказиб берилади.

3.3 «Буюртмачи» томонидан мазкур шартноманинг 3.1. банди талаблари бажарилмаган тақдирда «Иш бажарувчи» шартномада кўрсатилган иш ҳажмини бажармасликга ҳақли бўлади.

3.4 «Буюртмачи» тўловларни бажарилган иш (кўрсатилган хизмат, далалатнома, ҳисоб-фактура)га асосан шартномадаги умумий суммадан чиқмаган ҳолда амалга оширилади.

4. Ишнинг бажарилиш тартиби

4.1. Шартноманинг умумий суммасидан чиқмаган ҳолда «Иш бажарувчи» шартномада кўрсатилган ишларни тўлиқ бажариши шарт.

4.2 Шартноманинг 3.1. бандига асосан пул маблағлари «Иш бажарувчи» нинг ҳисоб рақамига ўтказилгандан сўнг 30 кун давомида шартномада кўрсатилган иш (хизмат)лар бажарилиши шарт.

4.3. Шартномада кўрсатилган иш ҳажмини «Иш бажарувчи» «Буюртмачи»га топширгандан сўнг иш тўлиқ бажарилган ҳисобланади.

4.4. Шартнома умумий қийматининг 5 фоиз миқдоридаги маблағи билан «Иш бажарувчи»

муаллифлик назорати амалга оширади.

5. Томонларнинг мажбуриятлари

5.1 «Иш бажарувчи» мажбуриятлари:

• Олдиндан тўлов амалга оширилгандан сўнг, шартномада кўрсатилган иш ҳажмини бажаришни бошлайди;

• «Иш бажарувчи» ишларни сифатли ва белгиланган муддатларда бажарилишини таъминлайди;

• Иш жараёнида «Буюртмачи» аниқланган камчиликларни ўз вақтида бартараф этиб боради;

• барча бирламчи рухсат берувчи ҳужжатлар, архитектура режалаштириш топшириғи (АРТ), топосъемка, муҳандислик геологияси, гидрогеология хулосаси (талаб этилганда), АТГБ (ЗВОС) лойиҳаси ва экологик экспертизасидан ўтказиш, қўшимча (газ, сув, электр, бурғу қудуғи ва х.к.) лойиҳа ҳужжатлари (талаб этилганда), муаллифлик назорати ишлари, техник кўрик (талаб этилганда) ишлари, лойиҳа-смета ҳужжатларини экспертиза кўригидан ўтказишни молиялаштириш ва ташкил этишни таъминлайди;

• «Иш бажарувчи» томонидан ишлаб чиқилиб «Буюртмачига» тақдим этилган лойиҳа-смета ҳужжатларида (электрон кўринишидаги нусхасида ҳам) «Иш бажарувчи» нинг айби билан содир этилган хато ва камчиликлар аниқланганда, «Буюртмачи» лойиҳа-смета ҳужжатларини қабул қилиш ва ҳақини тўлашни рад этиб, «Иш бажарувчи»дан сифати лозим даражада бўлмаган лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш қийматининг 20 фоиз миқдоридан жарима ундириб олишга, агар лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир (Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 26-моддаси).

• «Иш бажарувчи» томонидан ишлаб чиқилган лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида қурилиш ишлари бошлаб юборилгандан сўнг қурилиш давомида «Иш бажарувчи»нинг айби билан иншоотнинг қурилишида хато ва камчиликлар мавжуд бўлса ҳамда ушбу хато ва камчиликлар туфайли қурилишга қўшимча маблағ талаб этилиб, «Буюртмачи»га зарар келтирса, ушбу зарар «Иш бажарувчи» томонидан қопланади. (Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 24-моддаси).

5.2 «Буюртмачи» мажбуриятлари:

• Бажарилган иш ҳажмини қабул қилиб олгунча «Иш бажарувчи» иштирокида бажарилган ишни обдон кўздан кечирилади ва унинг сифатига яроқлилигига эътибор беради;

• Агар бажарилган иш талабга жавоб бермаса, яъни сифатсиз бўлса, «Буюртмачи» қабул қилмасликка ва сифатсиз бажарилган иш қисмини қайтадан тўлик, сифатли, бажариб беришини талаб қилишга ҳақли бўлади.

• Бажарилган иш ҳажми «Буюртмачи» томонидан тўлиқ қабул қилиб олингандан сўнг «Иш бажарувчи»га шартномада кўрсатилган сумманинг қолган қисмини тўлиқ ўтказиб бериши шарт.

6. Томонларнинг жавобгарлиги

6.1. Томонлар шартномада кўрсатилган мажбуриятларни лозим даражада бажармаган тақдирда Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекс ва 29.08.1998-йилдаги 670-1-сонли «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонунининг асосан 25-32 бандлари буйича жавобгар бўладилар.

6.2. Тўловлар муддати кечиктирилганда, «Буюртмачи» кечиктирилган ҳар бир кун учун 0.05% миқдоридан, лекин шартноманинг умумий суммасини 50% дан ошмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.3. Шартномада кўрсатилган иш ҳажмини ўз вақтида бажарилишини кечиктирилганлиги учун «Иш бажарувчи» кечиктирилган ҳар бир кун учун 0.05% миқдоридан, лекин шартноманинг умумий суммасини 50% дан ошмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.4. Шартномада кўрсатилган иш ҳажмлари «Иш бажарувчи»нинг хатоси билан содир қилинганда «Иш бажарувчи» ушбу хато ва камчиликларни ўз ҳисобидан «Буюртмачи»нинг иштирокисиз ҳал қилинади. Яъни ўз ҳисобидан ишни бажаради.

6.5 Шартноманинг амал қилиш муддати тугаши тарафларни уни бузганлик учун жавобгарликдан озод этмайди.

6.6 Шартномани бажаришдан бир тарафлама бош тортишга ёки бир тарафлама ўзгартириш киритишга йўл қўйилмайди.

7. Низоларни ҳал этиш тартиби

7.1. Мазкур шартнома буйича томонлар шартларни бажармаган тақдирда, жавобгар томон келтирилган моддий ва маънавий зарарларни қоплайди.

7.2. Томонлар ўртасада шартномани тузишда, бажарилишида, ўзгартириш ва бекор қилишда етказилган зарарларни қоплашда юзага келадиган низолар оғоҳлантириш ва даъво хатлари тартибидан,

агарда мурасага келинмаганда вилоят Иқтисодий Суди орқали ҳал қилинади.

8. Коррупцияга қарши курашиш ва бошқа шартлар

8.1. Тарафлар шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширмайдилар, шу жумладан пора беришни таклиф қилмайди, товламачилик қилмайди, бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бермайди ёки пора яъни ҳодими ўз хизмат мажбуриятларидан фойдаланган ҳолда пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб муайян ҳаракатларни содир етиши ёки содир етмаслиги шартлиги учун моддий қимматликларни ёки мулкий наф олмайди. Тарафлар ушбу ҳаракатлатга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрилишига кафолат беради.

8.2. Икки томоннинг ўзаро ёзма келишувига асосан мазкур шартномага киритиладиган ўзгариш ва қўшимчалар қонуний кучига эга бўлади. Ўзгариш ва қўшимчалар шартномага илова қилиниши ҳам мумкин. Қилинган илова икки томоннинг мўҳири ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши шарт.

8.3. Бир томонлама шартномани бекор қилишга тўлов шартлари бажарилмаганлиги ва маҳсулот етказиб бериш тартиблари бузилганлиги асос бўлади.

8.4. Шартномада кўрсатилган маблағдан ортиқча бажарилган иш ҳажмининг маблағини буюртмачи тўлаб беришни ўз зиммасига олмайди.

9. Қўшимчалар

9.1. Икки томоннинг ўзаро ёзма келишувига асосан мазкур шартномага киритиладиган ўзгариш ва қўшимчалар қонуний кучига эга бўлади. Ўзгариш ва қўшимчалар шартномага илова қилиниши ҳам мумкин. Қилинган илова икки томоннинг мўҳири ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши шарт.

9.2. Бир томонлама шартномани бекор қилишга тўлов шартлари бажарилмаганлиги ва маҳсулот етказиб бериш тартиблари бузилганлиги асос бўлади.

9.3. Шартномада кўрсатилган маблағдан ортиқча бажарилган иш ҳажмининг маблағини буюртмачи тўлаб беришни ўз зиммасига олмайди.

10. Форс- мажор

10.1 Агар шартнома тузилгандан сўнг икки томон ўз мажбуриятларини ғайри табиий ҳолатлар, сув тошқини, ёнғин, ер қимирлаш ва бошқа табиий офатлар сабабли бажарилмаса, ҳеч қайси томон тўла ёки қисман бажарилмаган мажбуриятлар учун жавобгар ҳисобланмайдилар.

11. Шартноманинг амал қилиш муддати

11.1. Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва «31» декабр 2022 йилгача амалда бўлади.

11.2. Мазкур шартнома 3 нусхада тузилган бўлиб икки томон учун ҳам тенг кучга эга бўлиб банк ҳисоб-китобларини амалга оширишга асос бўлади.

12. Томонларнинг юридик манзили

«Иш бажарувчи»

«Хумо-Дизайн» ХК
МАНЗИЛ: Термиз ш. Қатортол-3
Тел: 22-5-05-21
Х\Р: 2020 8000 7044 4457 0001
Х/Р: 2320 2000 2044 4457 0444
ИНН: 205845600 ОКОНХ 66000
МФО: 01001

«Буюртмачи»

Сурхондарё вилоят ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» ИК
МАНЗИЛ: Термиз шаҳар Бакуменко 5
Тел: 221-49-71, 221-49-74

Ш.Х.В. 301/Вд/86022401709/100251020

ИНН: 200474347 ОКОНХ: 97400

ЎзРесп. Молия вазирлиги Фазначилиги
ИНН: 201122919Б\К: 00014

Тошкент шаҳар Марказий банки ХККМ
х/р: 23402000300100001010

Р. Эшқобилов

А. Арамов

Юрист визаси: Мен Вилоят ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» ИКнинг юристи, ушбу шартнома амалдаги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида» ги Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари талабларига мос келишдиғини аниқладим:

« _____ » _____ 2022 йил / А.Музафаров

ҚИДИРУВ ИШЛАРИ ХАРАЖАТЛАРИга

№ 17-сонли

Лойihalаш ташкилоти: «Хумо-Дизайн» ХК
Буюртмачи ташкилот: «Ягона буюртмачи хизмати» ИК

№	Иш (хизмат)лар номи	Ўлчов бирлиги	Микдори	Нархи
1	ЛСХ ва маллифлик назорати	хизмат	1	1000000
4	Экспертиза			690 000
	Жами			1690000

Агарда кейинчалик руйхатга лойиха қидирув ишлари бажариш лозим бўлса, лойihalаш жамияти томонидан бажарилиши ташкиллаштирилади ва молиялаштирилади.

Шартноманинг қиймати Буюртмачининг келишуви асосида ҚҚС билан 1690 000 (бир миллион олти юз тўқсон минг) сўмни ташкил этади.

«Хумо-Дизайн» ХК директори:



Р.Эшқобилов

«Ягона буюртмачи хизмати» ИК ЛҚИ бўлим бошлиғи:



М.Менглиев

БАЁННОМАСИ

Шўрчи туманидаги 47 сонли мактабгача таълим муассасасини электр энергия билан таъминлаш ЛҚИ учун лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлашни ва мултиплик назорати ишларини бажариш мақсадида, биз куйида имзо чекувчилар «Буюртмачи» томонидан «Ягона буюртмачи хизмати» ИК директори А.Арамов ва «Бажарувчи» томонидан «Хумо-Дизайн» ХК директори Р.Эшқобилов томонлар ўртасида лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқариш нархини 1690 000 (бир миллион олти юз тўқсон минг) сўм миқдориди келишганимизни тасдиқлаймиз.

Базавий нархда ҳисобга олинмаган материаллар нархини ўзгариши ва меҳнат иш ҳақининг ўзгариб туриши сабабли шартнома нархи очик қолади.

Ушбу баённома «Бажарувчи» ва «Буюртмачи» орасидаги ўзаро ҳисоб китоб қилиш ва тўловни амалга ошириш учун асос бўла олади.



КАЛЕНДАР РЕЖА

№	Шартнома буйича ишнинг номи ва унинг бажарилиш боскичлари	Ишнинг бажарилиш муддати	Ишнинг ҳисоб нархи,сум
1	2	3	4
1	Шўрчи туманидаги 47 сонли мактабгача таълим муассасасини электр энергия билан таъминлаш ЛҚИ учун лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлашни ва мултиплик назорати ишларини бажариш	30 кун давомида	1690000
	Жами:		1690000

Эслатма: Шартномани имзоланиши ва туланишига қараб ишнинг бажарилиш вақтини узгартириш ҳуқуқини «Бажарувчи» ўз зиммасига қолдиради.

Бажарувчи ташкилотнинг

директори: Р.Эшқобилов

Буюртмачи ташкилотнинг

ЛҚИББ: М.Менглиев




Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 181769 на приобретение Шўрчи тумани Бобур МФЙдаги 47-сонли мактабгача таълим ташкилотини юқори кучланиш электр энергия таъминоти билан таъминлаш лойиха-кидирув ишларини бажариш

Способ проведения электронный

Дата 12.11.2022

Время рассмотрения 12.11.2022 09:47

Закупочная комиссия Сурхондаре вилоят ҳокимлиги Ягона буюртмачи хизмати ИК, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	ARAMOV ASLIDIN XXX	Директор	Сурхондарё вилоят ҳокимлиги "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси
Секретарь комиссии	XOLOV UTKIRJON ABDUXAKIMOVICH	Бирламчи рухсат берувчи, лойиҳа ҳужжатлари ва танлов ҳужжатларини тайёрлаш бўлими бош мутахассиси	Сурхондарё вилоят ҳокимлиги "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси
Член комиссии	MENGLIYEV MIRSALOM MIRZAYEVICH	Бирламчи рухсат берувчи, лойиҳа ҳужжатлари ва танлов ҳужжатларини тайёрлаш бўлими бошлиғи	Сурхондарё вилоят ҳокимлиги "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси
Член комиссии	CHORSHANBIYEV ERKIN ABDINAZAROVICH	Танлов савдоларини ташкил этиш ва хўжалик- шартнома муносабатлари бўлими бошлиғи	Сурхондарё вилоят ҳокимлиги "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси
Член комиссии	DJUMMAYEV RAXMATJON GAYRATOVICH	Молиялаштириш, маркетинг, манзилли дастурларни тайёрлаш бўлими бошлиғи	Сурхондарё вилоят ҳокимлиги "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси
Член комиссии	MAMADAMINOV ABDURAIM MAXAMADIYEVICH	Бош муҳандис	Сурхондарё вилоят ҳокимлиги "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 12.11.2022 года № лота 181769.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.техничко-квалификационной части: 80.00 / Весовой коэф. ценовой части: 20.00)

Мин. балл: 50

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуга по проектно - изыскательной работе
---	--

Подробное описание	Шўрчи тумани Бобур МФЙдаги 47-сонли мактабгача таълим ташкилотини юқори кучланиш электр энергия таъминоти билан таъминлаш лойиха-қидирув ишларини бажариш
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	1 690 000.00
Стартовая сумма	1 690 000.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Ишлаб чиқариш базаси ва офиси борлиги ҳамда мавжуд оргтехника ва ўлчов асбоблари тўғрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Ишлаб чиқариш базаси ва офиси борлиги (ўз балансида бўлса 1 коэффициент, ижарада бўлса 0,5 коэффициент билан бахоланади) Мавжуд оргтехника ва ўлчов асбоблари тўғрисида маълумот (камида 10 бирликда ўлчов асбоблари ва 10 бирликда оргтехника жихозлари борлиги)

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ХУМО-ДИЗАЙН ХК	20	Маълумот учун	15	Экспертная		
SAMO-ARXITEKTURA DIZANY	20	Маълумот учун	15	Экспертная		

Критерий №2 Лойихалаш корхонаси тўғрисида тўлиқ маълумот, гувоҳнома, лицензия, кафолат хати, молиявий ахволи

Тип: Текстовое значение

Описание: Лойихалаш корхонаси тўғрисида тўлиқ маълумот, структураси Юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтганлигини тасдиқловчи гувоҳнома, лойиха ишларини олиб бориш ҳуқуқини берувчи лицензияга эгаллиги Буюртмачи билан суд тортишув ҳолатида эмаслиги, аввал тузилган шартномалар бўйича бажарилмаган мажбуриятлар йўқлиги, инсофсиз ижрочилар руйхатида мавжуд эмаслиги, молиявий барқарор, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлик йўқлигини тасдиқловчи ва буюртмани ўз вақтида бажарилиши тўғрисида кафолат хати Лойихалаш корхонасининг молиявий ахволи

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ХУМО-ДИЗАЙН ХК	20	Маълумот учун	17	Экспертная		
SAMO-ARXITEKTURA DIZANY	20	Маълумот учун	20	Экспертная		

Критерий №3 Охирги йилларда ушаш ишларни бажарганлиги тўғрисида, қурилиш майдони билан танишганлиги ва бажариладиган ишлар тўғрисида маълумот, лойиха-қидирув ишларини молиялаштириш рўйхати

Тип: Текстовое значение

Описание: Охирги йилларда ухшаш ишларни бажарганлиги тўғрисида маълумот (камида 2 та ўхшаш объектларнинг лойиҳаси бажарилганлиги ва якунига етказилганлиги) Қурилиш майдони билан танишганлиги ва бажариладиган ишлар тўғрисида маълумот (фотосуратлар, лойиҳа таклифи), лойиҳа-қидирув ишларини молиялаштириш рўйхати

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ХУМО-ДИЗАЙН ХК	20	Маълумот учун	20	Экспертная		
SAMO-ARXITEKTURA DIZANY	20	Маълумот учун	5	Экспертная		

Критерий №4 Лойиҳалаш корхонасида ишлаётган ишчилар

Тип: Текстовое значение

Описание: Соҳа бўйича олий маълумотга эга иш тажрибаси 5 йилдан кам бўлмаган 2 нафар раҳбарлик лавозимидаги, 2 нафар лойиҳачи-муҳандис (ГИП), 3 нафар мутахассислар ҳамда доимий асосда ишлайдиган камида 10 нафар малакали ходим ва ишчилар борлиги (охирги йилдаги статистика хисоботида асосан ва шартнома асосида жалб этилган)

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ХУМО-ДИЗАЙН ХК	20	Маълумот учун	20	Экспертная		
SAMO-ARXITEKTURA DIZANY	20	Маълумот учун	20	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
SAMO-ARXITEKTURA DIZANY	1 690 000.00	1 690 000.00 UZS	1 690 000.00	00.00	1 690 000.00	09.11.2022 11:12:02	20
ХУМО-ДИЗАЙН ХК	1 690 000.00	1 690 000.00 UZS	1 690 000.00	00.00	1 690 000.00	09.11.2022 10:27:15	20

Заказчик вправе применить преференцию в отношении отечественных производителей

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
SAMO-ARXITEKTURA DIZANY	60	20	80
ХУМО-ДИЗАЙН ХК	72	20	92

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 181769 от 12.11.2022 года на приобретение Шўрчи тумани Бобур МФЙдаги 47-сонли мактабгача таълим ташкилотини юқори кучланиш электр энергия таъминоти билан таъминлаш лойиха-кидирув ишларини бажариш определила победителем:

ХУМО-ДИЗАЙН ХК
205845600

и резервный исполнитель: SAMO-ARXITEKTURA DIZANY (306706247)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	ARAMOV ASLIDIN XXX	Согласен	
Член комиссии	MENGLIYEV MIRSALOM MIRZAYEVICH	Согласен	
Член комиссии	CHORSHANBIYEV ERKIN ABDINAZAROVICH	Согласен	
Член комиссии	DJUMMAYEV RAXMATJON GAYRATOVICH	Согласен	
Член комиссии	MAMADAMINOV ABDURAIM MAXAMADIYEVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

Т/р	Объектлар номи ва мақсади	Қурилиш ва бошланғич фаёдаланишга топширилган йили	Лойиҳа қураётган	Объектнинг умумий қиймати (шартнома асосида) жумладан, бурғутмачи бошқа харажатлари	01.01.22 й. ҳолатига объект қолдиқ қиймати жумладан, бошқа харажатлари	01.01.22 й. йилдан йилга ўтувчи объектнинг моликлари ш қолдиқ жумладан, бурғутмачи бошқа харажатлари	2022 йил учун капитал қўйимлар димитги						01.01.23 й. йилга ўтувчи объектнинг (кайта ҳисоблаш билан) қолдиқ қиймати жумладан, бурғутмачи бошқа харажатлари	Экспертга ҳуқуқли рақам ва саноати	Теңдер (таъло)лар натижасига бўйича байнона рақами ва саноати	Қурилиш гуҳрат ташқилог номи		
							Жами капитал қўйимлар			шў жумладан							2022 йилда фойдаланишга топширилган	
							Жами капитал қўйимлар	Қурилиш - монтаж ишлари	Жикоз	Бурғутмачи бошқа харажатлари	Жами	жумладан, секлаш харажатлари					Муздаг/ қулағ	Ассой фонд суммаси
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	17	18	19		
6	Мақтабгача таълим ташкилоти						1 710,000	1 657,220		52,780								
1	Денов тумани "Лўлон" МФЙдаги 3-сонли болалар боғчасини таъмирлаш	2022 й	объект				250,000	242,750		7,250						Таилов		
2	Қизилқум тумани "Мустанқиллик" мақалласидаги маъвул 14-сонли Седович панелили Давлат мақтабгача таълим ташкилотига хўжалик биноларини қуриш	2022 й	объект				500,000	486,990		13,010						Таилов		
3	Термиз шаҳар "А.Жомий" МФЙдаги 5-сонли мақтабгача таълим ташкилотига болалар ўйингоҳи қуриб бериш	2022 й	объект				100,000	96,786		3,214						Таилов		
4	Узун тумани "Ўрмончи" МФЙ ҳудудидан 65 ўринли Болалар боғчаси барпо этиш қуриш	2022 й	объект				700,000	676,433		23,567						Таилов		
5	Шурчи тумани "Наврўз" МФЙдаги 18-сонли ДМТТнинг ясиғил тизимини таъмирлаш	2022 й	объект				120,000	116,041		3,959						Таилов		
6	Шурчи тумани "Бобур" МФЙдаги 47-сонли мақтабгача таълим ташкилотини юқори кучланиш электр энергия таъминоти билан таъмирлаш	2022 й	объект				40,000	38,220		1,780						Таилов		
2	Спорт объектлари						750,000	725,691		24,309						Таилов		
1	Жарқурғон тумани "Бобур" МФЙ Марказ кўчасида жойлашган спорт майдонини таъмирлаш	2022 й	объект				600,000	580,967		19,033						Таилов		
2	Термиз шаҳар "Фарход" МФЙ ҳудудидан И.Сино кўчасида спорт майдончаси қуриш	2022 й	объект				150,000	144,724		5,276						Таилов		
21	Маҳалла идоралари						9 250,000	8 944,528		305,472						Таилов		
1	Ангор тумани "Хомкон" маҳалла идораси 1975-йилда қурилган бўлиб хозирги кунда яроқсиз ҳолатга келиб қолганини себоби бинони янғидан замонавий қуриш	2022 й	объект				800,000	774,009		25,991						Таилов		
2	Денов тумани "С.Оллоғер" МФЙ биноси ва маҳалла гузарни қуриш	2022 й	объект				700,000	677,233		22,767						Таилов		

№	Тўр	Объектлар номи ва манзили	Қурилиш бошланishi ва бошланишига фойдаланишига топшириши йили	Лойиҳа қуввати	Объектнинг умумий қиймати (шартнома асосида) жумладан, буюртмачи бошқа харажатлари	01.01.22 й. ҳолатига объект қолганда, буюртмачи бошқа харажатлари	01.01.22 й. ҳолатига йилдаги йилга ўтувчи объектнинг молиялаштириш қолдиғи жумладан, буюртмачи бошқа харажатлари	2022 йил учун капитал қўйилмалар лимити				2022 йилда фойдаланишга топширилган		01.01.23 й. ҳолатига йилдаги ўтувчи объектнинг (қайта ҳисоблаш билан) қолдиқ қиймати жумладан, буюртмачи бошқа харажатлари	Экспертиза ҳуқуқсиз рақами ва санаси	Тендер (талон)лар натижасига бўйича баённома рақами ва санаси	Қурилиш пудрат ташкилот номи	
								Жами капитал қўйилмалар	Қурилиш - монтаж ишлари	Жихоз	Буюртмачи бошқа харажатлари	Муздот/қувват	Асосий фонд суммаси					
			3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	16	17	18	19
18		Сарбоснө тумани "Шахриобод" МФЙ бйноси қуриши ва жиҳозлаш	2022 й	объект				400,000	386,014		13,986							Танлов
19		Сарбоснө тумани "Дийдор" МФЙ бйноси таъмир талаб бўлганлиги сабабли таъмирлаш	2022 й	объект				200,000	193,862		6,138							Танлов
20		Шербод тумани "Дўстлик" маҳалла фуқаролар йиғини ўқув марказида фаолият олиб бораётганлиги сабабли янги бйно қуриши	2022 й	объект				550,000	531,328		18,672							Танлов
21		Шўрчи тумани "Шалдирок" МФЙнинг маъмурий бйносини қайта қуриши	2022 й	объект				800,000	774,009		25,991							Танлов
5		Бошқа объектлар						1 280,000	1 236,583		43,417							
1		Ангор тумани "Улутбек" МФЙ, А.Навоий, Нодира кўчасида 2 км пйёдалар йўлакчаси қуриши ва туниги ериткичлар ўрнатилиши	2022 й	объект				220,000	212,317		7,683							Танлов
2		Денов тумани "Буғук келажак" МФЙ, "Тошкент" кўчасида жойлашган 82-миқтабга борниш йўлида пйёдалар йўлаги қуриши	2022 й	объект				150,000	144,724		5,276							Танлов
3		Денов тумани "Буғук келажак" МФЙ кўчаларига еритилиш чироклари ўрнатилиши	2022 й	объект				400,000	386,914		13,086							Танлов
4		Сарбоснө тумани "С.Шерозий" МФЙда жойлашган 1-сонли мактабда пйёдалар йўлакчаси мавжуд эмас 1,5 км янги пйёдалар йўлаги барто этиши	2022 й	объект				350,000	338,276		11,724							Танлов
5		Шўрчи тумани "Қонобод" маҳалласидан М 41 йўли ёнидаги 1,3 км пйёдалар йўлакчаларини янгиладан қуриши	2022 й	объект				160,000	154,352		5,648							Танлов



"КИРИТИЛДИ"
 Сурхондарё вилоят ҳокимлиги
 "Ягона бунёдчи хизмати"
 инжиниринг қўшмачаси директори

 А.А. Карамов

 2022 й.



"КИРИТИЛДИ"
 Сурхондарё вилоят иқтисодий
 тараксийёт ва камбағалликни қисқарттириш
 бош бошқармаси бўлими уриббасари

 А.А. Урозов

 2022 й.



"КИРИТИЛДИ"
 Сурхондарё вилоят молия бош бошқармаси

 Ж.Нормўминов

 2022 й.